

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/27.02.2020.Fil.91.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎЙЧИЕВ АБДУНАБИ ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ**

**НУРАЛИ ҚОБУЛ НАСРИ ПОЭТИКАСИ**

**(ҳикоя ва қиссалари мисолида)**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Гулистон – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Тўйчиев Абдунаби Худойбердиевич**

Нурали Қобул насри поэтикаси (ҳикоя ва қиссалари мисолида) ..... 3

**Туйчиев Абдунаби Худойбердиевич**

Поэтика прозы Нурали Кабула (на основе рассказов и повестей) ..... 23

**Tuychiyev Abdunabi Khudoyberdiyevich**

Prosaic of poetics of Nurali Kabul (on the basement of stories and prosaic).... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 49

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/27.02.2020.Fil.91.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎЙЧИЕВ АБДУНАБИ ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ**

**НУРАЛИ ҚОБУЛ НАСРИ ПОЭТИКАСИ  
(ҳикоя ва қиссалари мисолида)**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Гулистон – 2022**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
В 2019.1.PhD/Fil 716 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Гулистон давлат университети веб-саҳифасининг ([www.gdu.uz](http://www.gdu.uz)) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Баҳодир Нурметович  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жуманазаров Умурзоқ Абдураззоқович  
филология фанлари доктори, профессор

Хамрақулова Хуршида Кувватовна  
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи  
PhD.03/27.02.2020.Fil.91.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "02" 04 соат 11  
даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе. Тел.: (99 867) 225-40-42;  
факс: (99 867) 225-02-75; E-mail: [glsu.info@edu.uz](mailto:glsu.info@edu.uz))

Диссертация билан Гулистон давлат университетининг Ахборот ресурс марказида  
танишиш мумкин ( 7 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-  
мавзе. Тел.: (99867) 225-40-42).

Диссертация автореферати 2022 йил "24" 03 кuni тарқатилди.  
(2022 йил "24" 03 даги 7 рақамли реестр баённомаси).

  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор  
**Н.А.Раҳмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари номзоди, доцент  
**М.Р.Маматқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор  
**А.Маматов**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида ёзувчининг ижодий лабораториясини кузатиш, янгича ижодий изланишлар, бадиий асар таҳлили, хусусан, насрий асарлар поэтикаси масалалари юзасидан изчил ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳар бир давр адабиётшунослигида бадиий асарнинг юзага келиши билан боғлиқ ижодий жараённинг ўрганилиши доимо долзарб бўлиб келган. Ёзувчи ижоди ва асарларининг юзага келиш омиллари, ривожланиш жараёнларининг бадиий асардаги поэтик функцияси, инсоннинг ижтимоий фаолияти, туйғу-кечинмалари, ўй-хислари билан умумлаштириш инсон маънавий камолотида улкан бадиий-эстетик ва маърифий-тарбиявий мавқе касб этишига хизмат қилади.

Дунё адабиётшунослигида “ижодий лаборатория” тушунчаси кенг қамровли тадқиқотлар учун объект бўлиб келмоқда. Бадиий тафаккурга нисбатан янгича қарашлар, асарни баҳолашда илмий ёндашув, бадиий-эстетик хусусиятларини ёритиш, адиб асарларида услуб ва маҳорат масаласи, шакл ва мазмун жиҳатидан хилма-хил изланишлар, адибнинг ижодий индивидуаллигини таъминлаган асосий омиллар сингари масалаларни ҳар томонлама кенг тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллиги адабиётшунослигимизда ўзбек насри бадиий тафаккуридаги янгиланишлар, воқеликни замон талаблари даражасидаги мезонларга мос равишда илмий-назарий жиҳатдан баҳолаш, уларни юксак бадиият мезонлари асосида тадқиқ қилишга алоҳида эътиборни кучайтирди. Давр руҳини юракдан ҳис қилиб, воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний кўрсатиш, барча мураккабликлар, зиддиятларни, инсоннинг ранг-баранг ички дунёси, интилишлари, қувончу изтиробларини таҳлил этиш орқали етакчи ижодкорлар адабий меросини янада чуқурроқ тадқиқ этишни тақозо этади. Бу борада истеъдодли ёзувчи Нурали Қобул насри поэтикаси, адибнинг услуби ва маҳорати, ҳикоя ва қиссаларидаги бадиий тафсил, тасвир тамойиллари, образлар бадииятини тадқиқ қилиш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистон янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида асар услуби ва поэтикаси ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратилган. Жумладан, Арасту, М.М.Бахтин, В.Г.Белинский, В.В.Виноградов, В.М.Головко, В.Жирмунский, В.Кожин, К.Асаналиев каби хорижлик олимларнинг тадқиқотларида бадиий асар таҳлили, услуб ва асар поэтикасига оид назарий қарашлар мавжуд<sup>1</sup>.

Ўзбек насри поэтикасини ўрганиш ҳам ҳамisha адабиётшуносликнинг диққат марказида бўлиб келган. Атоқли олимлар М.Кўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Б.Назаров, Н.Каримов, У.Норматов, И.Ғафуров, Н.Худойберганов, А.Расулов, Н.Раҳимжонов, Й.Солижонов, Қ.Йўлдошев, Ж.Хушбоқов, Х.Дўстмуҳаммедов, Д.Қуроно, Б.Каримов, И.Ёқубов ҳамда яна бир қанча адабиётшунос олимларнинг тадқиқотлари, илмий мақола ва рисолаларида ўзбек адабиётида яратилган насрий асарларнинг услуб хусусиятлари, ёзувчининг маҳорати масалалари ёритилган. Шунингдек, ўзбек адабиётшунослигида яратилган бир қатор диссертацияларда муайян бир ёзувчининг ижоди тадқиқ қилинган<sup>2</sup>. Аммо ўзбек адабиётшунослигида ҳозирга қадар ёзувчи Нурали Қобул ижоди махсус ўрганилмаган. Ёзувчи ижоди, хусусан, ҳикоя ва қиссалари поэтикасини ўрганиш юзасидан махсус илмий тадқиқот иши ёзилган эмас.

---

<sup>1</sup> Арасту. Поэтика. Ахлоқи Кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2001. – 351 б; Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – М: Художественная литература. 1978. С 502; Белинский В.Г. Собрание сочинений. Т.3. – М.: 1978. – 271 с; Виноградов В.В. О теории художественной речи. – М. Высшая школа. 1971. – 118 с.; Головко В.М. Поэтика русской повести. – Саратов: 1992, – 276 с.; Жирмунский В. Стихотворение Гёте и Байрона: Ты знаешь край? – М.: Изд. МГУ. 1961, – 294 с.; Кожин В. Повесть. Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение. 1974. – 272 с.; Асаналиев К. Чингиз Айтматов: поэтика художественного образа. дисс... д-ра филол. наук. Фрунзе: 1989.

<sup>2</sup> Каримов Х. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70-80-йиллар): Филол. фанлари д-ри ...дисс. – Тошкент, 1994. – 320 б.; Кийикбаев Ф.Қ. Ўзбек насрида оталар ва болалар муаммоси: генезиси, реалистик талқини (1970-2000): Филол. фанлари номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 45 б.; Матякупов С.Г. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида инсон концепцияси ва шахс бадиий талқини: Филол. фанлари номз. ...дисс. – Тошкент, 2006. – 130 б.; Рустамова М.Ю. Истиқлол даври ўзбек қиссаларининг тараккиёт тенденциялари: Филол. фанлари номз. ...дисс. – Тошкент, 2005. – 140 б.; Раджапова Ф.А. Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил: Филол. фанлари бўйича фалсафа докт. ...дисс. – Тошкент, 2018. – 143 б.; Шералиева М.И. Ҳозирги ўзбек насрида киноя (ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни): Филол. фанлари бўйича фалсафа докт. ...дисс. – Тошкент, 2017. – 155 б.; Бобохонов М.Р. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм: Филол. фанлари номз. ...дисс. – Тошкент, 2012. – 156 б.; Хамроқулова Х.Қ. XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий талқини: Филол. фанлари д-ри ...дисс. – Тошкент, 2018. – 152 б. Досмуҳамедов Х.Н. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янгиланиши (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг аввалидаги ҳикоялар мисолида): Филол. фанлари номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 45 б; Холиқов Б. Детектив романларда воқеликнинг бадиий талқинини тизимли моделлаштириш (Марио Пьюзонинг “Чўкинтирган ота” ва Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асарлари мисолида): Филол. фанлари бўйича фалсафа докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 42 б; Сувонов З. Тоғай Мурод насрида образлар поэтикаси: Филол. фанлари бўйича фалсафа докт. ...дисс. – Тошкент, 2019. – 162 б.

Тўғри, ёзувчи Нурали Қобул ижоди ҳақида М.Қўшжонов, П.Шермухаммедов, О.Шарафиддинов, Б.Назаров, А.Расулов, Н.Худойберганов, С.Мирвалиев, А.Ахмедов, Б.Шариф, И.Мирзаев, М.Махмудов, У.Ўлжабоев, Т.Қахҳор, И.Ёқубов, Ж.Хушбоқов, Н.Бекмирзаев, М.Абдуллаев, А.Геворкян, А.Эргашев, И.Сувонқулов, О.Смирнова, А.Авазова, А.Пардаев, М.Пирриев, Қ.Йўлчиев, Ш.Йўлдошев сингари адабиётшунос олимлар ҳамда Ч.Айтматов, Р.Файзий, Зулфия, А.Дементьев, А.Вознесенский, Б.Полевой, С.Аҳмад, О.Ёқубов, Х.Тўхтабоев, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, Й.Сулаймон каби ижодкорлар ўз фикрларини билдиришган. Бу фикр ва мулоҳазалар адибнинг турли асарлари ҳақида йўл-йўлакай билдирилганлиги учун ҳам кўпроқ тақриз характерида бўлган.

Адабиётшунос И.Мирзаев “Янгича тафаккур ва ҳозирги ўзбек насрининг тараққиёт йўллари” номли докторлик диссертациясида бир қанча ёзувчилар қатори Нурали Қобулнинг “Янги қор ёққан кун”, “Сангзор” қиссаларига ҳам тўхталади. Унда инсон ва табиат бирлиги ҳақида сўз юритар экан, бу асарларни шу нуқтаи назардан таҳлил қилади. Таъкидлаганимиздек, мавзу доираси чеклангани учун атоқли мунаққид асосий эътиборни тадқиқотида асар поэтикаси ҳақида эмас, балки асарда кўтарилган муаммоларга қаратади<sup>3</sup>.

Адабиётшунос А.Қосимов “Адабиётда болалик маънавий-ахлоқий категория сифатида” номли номзодлик диссертациясида Антуан де Сент-Экзюперининг “Кичкина шаҳзода” ва Ч.Айтматовнинг “Оқ кема” асарларини қиёслаш жараёнида Н.Қобулнинг “Тубсиз осмон” қиссасидаги Норбўта образига ҳам қисман тўхталиб ўтади<sup>4</sup>.

Адабиётшунос У.Расулованинг “XX аср ўзбек қиссачилиги (поэтик изланишлар ва тараққиёт тамойиллари)” номли докторлик диссертациясида Ч.Айтматовнинг “Қиёмат” романи билан Н.Қобулнинг “Тубсиз осмон” қиссаларида образ поэтикаси масаласи қисман ёритилган<sup>5</sup>.

Ҳозиргача эълон қилинган тадқиқотларда ёзувчи ижодига хос бўлган услуб ва поэтик тил муаммоси махсус ўрганилмаган. Уларда бевосита Нурали Қобул насри поэтикаси, ижодининг ўзига хос специфик аломатлари, бадиий образ, услуб ва маҳорат масаласи, услубий ранг-баранглик, ижодий индивидуаллик бевосита монографик планда тадқиқ этилмаган. Зеро, услуб ва поэтик тилнинг ўрни, тасвир ва ифода, уларнинг асосий хусусиятлари ва ўзаро таъсирини поэтик аспектда ўрганиш илмий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Бу эса мазкур тадқиқотнинг ушбу йўналишдаги муҳим изланишлардан эканини кўрсатади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига**

<sup>3</sup> Мирзаев И.О. Янгича тафаккур ва ҳозирги ўзбек насрининг тараққиёт йўллари: Филол. фанлари д-ри ...дисс. – Тошкент, 1991. – 293 б.

<sup>4</sup> Қосимов А. Адабиётда болалик маънавий-ахлоқий категория сифатида ( А. де Сент-Экзюперининг “Кичкина шаҳзода” ва Ч.Айтматовнинг “Оқ кема” асарлари асосида): Филол. фанлари номз. ...дисс. – Тошкент, 1999. – 127 б.

<sup>5</sup> Расулова У. XX аср ўзбек қиссачилиги (поэтик изланишлар ва тараққиёт тамойиллари): Филол. фанлари д-ри ...дисс. – Тошкент, 2020. – 249 б.

мувофик №24-1 “Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Нурали Қобулнинг ҳикоя ва қиссаларини таҳлил қилиш орқали уларнинг бадиий-эстетик хусусиятларини ёритиш, адиб асарларида услуб ва маҳорат ҳамда бадиият намоён бўлиш йўсинини аниқлаш, ёзувчи ижодий лабораториясини текшириш, ижодининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ёзувчи ижоди, хусусан, ҳикоя ва қиссаларидаги образлар табиати, ижодий индивидуаллик омилларини илмий изоҳлаш;

қахрамон руҳий оламини тасвирлашда ёзувчи ижодий мақсадининг ёритилишини аниқлаш;

асарларда фойдаланилган реалистик тасвир тамойилларини ёритиш;

ёзувчи асарларининг шакл ва композициясидаги ўзига хосликлар, ижодида муаллиф “мен”ининг ифодаланишинини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Нурали Қобулнинг “Азоб”, “Сариқ қизлар”, “Дунётепаннинг деви”, “Савоб”, “Энам, мен ва бедана”, “Эна”, “Дўстмурод бобо”, “Кечиккан турналар”, “Озор”, “Каптарлар қайтмаган кун” ҳикоялари, “Салом, тоғлар!”, “Тубсиз осмон”, “Сангзор”, “Янги қор ёққан кун”, “Бўри ови” қиссалари, шунингдек, ёзувчининг мақолалари, интервьюлари, матбуотда чоп этилган материаллар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Нурали Қобул асарларининг поэтикаси, давр ва қахрамон муносабати тасвири, ижодий индивидуаллик, ҳаётга фалсафий қарашнинг битикларда қандай акс этганини текшириш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мавзусини ёритишда биографик, социологик, ижодий-генетик, қиёсий типологик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Нурали Қобул ижодининг ўзбек насри тараққиёт тенденцияларидан адабий ходиса сифатида фарқли томонлари, ёзувчи ижодининг шахсияти билан боғлиқ ўзига хос етакчи белгилари, асарларининг адабий жараёнда бадиий-эстетик ўзига хослиги очиб берилган;

ёзувчи асарларида муаллиф “мен”ининг ифодаланиши, асарларининг шакл ва композициясидаги образлар тизимида характерларнинг индивидуаллиги, ёзувчининг бадиий маҳорати намоён бўлган поэтик нутқ ва услуби, адиб насри поэтикасига оид бадиий усул ва воситалар асосланган;

эна ва неvara образлари адибнинг турли жанрдаги ўн бешдан ошиқ асарларида тасвирлангани ва автобиографик характерга эга бу тасвирларнинг асар поэтикасида етакчилик хусусиятига эга эканлиги, ёзувчи асарларидаги образлар галереясига хос табиийлик, поэтик нутқ, миллий колорит каби асосий типик белгилар аниқланган;

адибнинг ижодий индивидуаллигини таъминлаган фалсафага мойиллик, сайёр образлар такрори, публицистик пофос каби омиллар, у ижод қилган роман-монолог жанрининг ўзбек адабиётида янги жанр эканлиги далилланган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Ўзбек адабиётида Нурали Қобул ижодининг ўрни, аҳамияти, адибнинг ижодий индивидуаллиги ёритиб берилган;

ёзувчининг “Азоб” ҳикояси матний-семантик таҳлили, автобиографик характердаги асарлари тадқиқ этилган;

адибнинг “Сариқ қизлар”, “Дунётепанинг деви” ҳикоялари билан Абдулла Қодирийнинг “Жинлар базми” ҳикояси қиёсланиб, давр контекстида қиёсий метод асосида аниқланган;

адиб ижодига хос бўлган воқеа-ҳодисанинг биринчи шахс томонидан ҳикоя қилиниши ва бунинг асарлар поэтикасидаги ўрни фактлар ёрдамида асосланган;

“Салом, тоғлар!” қиссасининг бадиий ифода услубидаги ўзига хослик, поэтик нутқ ва услуб адиб насри поэтикаси контекстида очиб берилган;

ёзувчи ижоди ҳақида маълумот берувчи библиографик қўлланма тайёрланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** бугунги давр адабиётида Нурали Қобул ижодининг ўрни, ўзига хос хусусияти ва поэтикаси қиёсий-типологик, психологик таҳлил усулларида фойдаланилгани, адиб ижодини кузатиш ва таҳлил этиш асосида аниқ назарий фикрлар, таҳлиллар, умумлашма хулосалар чиқарилганлиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асослангани, ёзувчи шахсий архивидаги маълумотлар ва танлаб олинган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, илмий хулосалар чиқарилганлиги, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёзувчининг услубий индивидуаллиги, бадиий маҳоратига хос жиҳатлар, асарларининг бадиий-эстетик хусусиятларига оид илмий-назарий умумлашма ва хулосаларга келинганлиги, илмий-назарий хулосалар ўзбек адабиётида ёзувчи ижоди бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар базасини бойитиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертациядаги концептуал ғоялар адабий танқид бўйича тадқиқотларда, олий таълим муассасаларида ХХ аср ўзбек адабиёти ва ҳозирги адабий жараён бўйича дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар, турли методик тавсияномалар яратишда, махсус курс, семинарлар ташкил этишда ҳамда магистрантлар, таянч докторантлар илмий тадқиқотларида манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Нурали Қобул насри поэтикаси тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Нурали Қобул ижодининг хорижий тилларга таржимаси, Ч.Айтматовнинг “Оқ кема” асари билан Н.Қобулнинг “Тубсиз осмон” қиссалари қиёсига доир илмий-назарий хулосалардан F3-201912258 рақамли “Ўзбек адабиётининг кўп тилли (ўзбек, рус, инглиз тилларида) электрон платформасини яратиш” (2021-2023) мавзусидаги амалий лойиҳанинг

назарий қисмида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 10 августдаги 01/4-1356-сон маълумотномаси). Натижада адибнинг “Темурийлар” эпопеяси ўн етти китобининг электрон варианты инглиз тилига ўгирилганлиги ҳамда мазкур эпопеянинг биринчи китоби “Буюк турон амири ёхуд ақл ва қилич” романининг “Амазон” электрон платформасида дунё китобхонларига ҳавола этилишига эришилган;

ўзбек насри тараққиётида ижодкорнинг тутган ўрни ва роли, адибнинг ижодий индивидуаллиги, асарларининг жанрий ўзига хослиги, ҳикоя ва қиссаларининг бадиий-эстетик хусусиятларига оид илмий хулосалардан ОТ-Ғ1-030 рақамли “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлик монографияни (7 жилд) чоп этиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 10 августдаги 01/4-1356-сон маълумотномаси). Натижада адибнинг автобиографик характердаги қисса ва ҳикояларида муаллиф образи, адабий таъсир ва ижодий анъанавийликнинг ўзига хосликларини белгилашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 8 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 157 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосанган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси батафсил ёритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқотнинг жорийланиши, натижаларининг эълон қилинганлиги ва тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Насрий асар поэтикасининг илмий-назарий хусусиятлари”** деб номланиб, муаммо икки фаслда муҳокама этилган. Биринчи фаслда **“Насрий асарлар бадииятини юзага чиқарадиган адабий-тасвирий унсурлар”** ўрганилган. Фасл аввалида атоқли ўзбек адиби Нурали Қобулнинг замонавий ўзбек адабиётидаги ўрни, ижодига хос бўлган индивидуаллик, образлар бадииятини ҳақида сўз юритилади.

Адиб ижодини тадқиқ қилган филология фанлари номзоди А.Геворкян “*Нурали Қобул қиссалари киши қалбини ёндирувчи прозадир*”, деб ёзади <sup>6</sup>. Биз ҳам тадқиқотимизда ёзувчи Нурали Қобулнинг ҳикоя ва қиссалари поэтикаси, бадииятини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Ҳар бир фаслда таҳлилга тортилган асарлар мисолида муаммони ёритишга ҳаракат қилдик.

“Поэтика” термини қадимги юнон файласуфи, адабиётшунос ва нотиғи Арасту номи билан боғлиқ. Эрамиздан олдинги IV асрда яшаган Арасту “Поэтика” ва “Риторика” номли асарларида Гомер, Софокл, Эврипид, Аристофан каби ижодкорлар асарларини таҳлил қилган. Унинг “Поэтика” (Нафис санъатлар ҳақида) китоби жаҳонда юзага келган энг биринчи адабиёт назариясидир. Бу асар ўз давригача шу соҳада қилинган ишларнинг энг мукаммали ҳисобланади. Алломанинг “Поэтика” рисоласидан бизга қадар фақат баъзи қимматли парчаларигина етиб келган бўлиб, ана шу қисмлар ҳам ҳозиргача барча файласуф, санъатшунос, адабиёт назариячиларининг асосий дастуруламали бўлиб хизмат қилади. Унда поэзияга хос бўлган тасвирлаш предметининг хилма-хиллиги, акс эттиришнинг турли усуллари, трагедия, комедия, драманинг моҳияти, уларнинг эпосдан фарқи, бадиий характер, тил ва фикр каби назарий муаммолар ҳақида сўз борган.

Арастунинг “Поэтика” асарида ҳозирги замон тушунчасидаги шеърят эмас, балки умуминсоний нафосат, санъат қонун-қоидалари баён қилинади. Шоир ҳодисаларнинг ўхшашини ижод этади ёки ҳодисаларни қайтадан гавдалантиради. Арасту поэтик санъатнинг ижтимоий-маърифий моҳиятини тўғри англади. У поэзия санъатининг эстетик-эмоционал кучини қадрлади. Алломанинг бу асари Шарқ халқлари эстетик тафаккури ривожига ҳам катта таъсир кўрсатган. Антик давр адабиётшунослигида умуман бадиий адабиёт ҳақидаги фан поэтика термини билан юритилган. Поэтика бадиий асар қурилиши ва унда фойдаланган бадиий тасвир воситаларининг мазмун-моҳияти ҳақидаги фандир.

Шарқ мумтоз адабиётида ҳам адабиёт қонун-қоидалари ҳақида махсус илмий-назарий асарлар яратилган. Бу асарларда “илми қофия”, “илми аруз”, “илми муаммо” ва сўз санъатлари илми каби махсус соҳалар текширилган ва поэтика масалалари ўрганилган. Жумладан, Абулҳасан Сарахсийнинг “Канз ул қофия”, Ваҳид Табризийнинг “Жами мухтасар”, Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадоийқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър” сингари асарларини мисол келтириш мумкин. Бундан ташқари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино асарларида ҳам поэтика ҳақида фикрлар мавжуд.

Ҳозирги кунда поэтика термини икки маънода қўланилади: 1.Кенг маънода бадиий адабиёт, унинг қонуниятлари, адабиёт назарияси, адабиёт қоидалари; жанр, унинг шакл ва мазмун жиҳатларининг ўзаро муносабати, композиция типлари, сюжет қурилиши ва ҳ.к. поэтика термини билан юритилади. Бунда поэтика термини бевосита адабиёт назарияси терминининг

---

<sup>6</sup> Қобул Н. Кечиккан турналар. – Тошкент: Tafakkur. 2016. – 228 б.

синоними вазифасини ўтайди. 2.Тор маънода шеърый асар ва унинг тузилиши ҳам поэтика термини билан юритилади.

“Поэтика – кенг маънода адабиёт назарияси, тор ва ҳозирда кўпроқ қўлланилаётган маънода адабиёт назариясининг таркибий қисми, адабий асар ҳақидаги таълимот. Поэтикани, умуман, адабиёт, сўз санъати ҳақидаги фан – адабиёт назарияси маъносида тушуниш антик даврлардан анъанага айланган. Поэтикани тор маънода – адабиёт назариясининг таркибий қисми сифатида тушуниш XX асрнинг илк чорагидан бошлаб қарор топган бўлиб, бунда рус адабиётшунослигидаги формал мактаб вакилларининг хизмати катта. XX аср ўрталарига келиб, поэтикани адабиёт назариясининг таркибий қисми сифатида тушуниш тўла қарор топди дейиш мумкин”<sup>7</sup>.

Поэтика деганда кўпроқ шеърят масалаларини ўрганувчи соҳа назарда тутилди. “Шу ўринда адабиётшунос В.М.Жирмунскийнинг “Поэтика – шеърятни санъат сифатида ўрганадиган фандир”<sup>8</sup>, деган фикри туфайли поэтика адабиётшунослик назариясининг таркибий қисми экани эътиборни тортади. Энди поэтика илмига бугунги куннинг баъзи тадқиқотчилари каби шеърят эмас, балки умумбашарий гўзаллик, санъат, хусусан, сўз санъати қонуниятларини ўрганадиган фан сифатида қараш керак. Ҳозирги адабий турлар: проза, поэзия ва драма сўз санъатининг турли шаклий ифодаси. Поэтикани кенгроқ аспектда адабиёт илмининг, яъни назариянинг қоидаларини ўрганадиган соҳа десак, айтиш мумкин”<sup>9</sup>, деб фикр билдиради тадқиқотчи З.Субҳон.

Бадиий асар ўз ички қонуниятлари асосида шаклланади. Бир-бирига манتيқан боғланган воситалар яхлит асарни ташкил этади. Бадиий адабиёт ўзининг ранг-баранг образлари ва бир-бирини такрорламас характерлари билан китобхонлар қалбини забт этади. Адиб ўз қаҳрамонини яратар экан у билан бирга яшайди, хурсанд бўлса хурсанд бўлади ёки аксинча.

Асар поэтикаси деганда бадиий асарнинг қурилишига хос умумий хусусиятлар, бадиий усул ва воситалар тизими назарда тутилади. Асарда образ, тасвир, поэтик нутқ, услуб, пейзаж, портрет, конфликт ва ҳ.к. унсурлар асар поэтикасини ташкил этади. Асарда шу унсурларнинг яхши ишланмаганлиги образларнинг тўлақонли чиқмаслигига сабаб бўлади. Албатта, Нурали Қобул ижодида ҳам (бошқа ижодкорларда бўлгани каби) шундай жузъий камчиликлар учрайди. Атоқли адиб Худойберди Тўхтабоев Нурали Қобулнинг “Яшаш учун кечикма” қиссасига ижобий баҳо берган ҳолда Низомиддин Нарзиев образининг тўлақонли образ бўлиб чиқмаганини асарнинг қусури деб билади. Нарзиевнинг фаолияти, хатти-ҳаракатининг кенг тасвирланмаганлигини асарнинг камчилиги деб таъкидлайди. Худойберди Тўхтабоев, шунингдек, *“муаллифнинг ўз қаҳрамонининг ички дунёсига киришга ботинолмай туриши кайфияти, айтилиши зарур бўлган гапнинг чала қолиб кетиши ҳолати”*ни “Адолат ва адоват” номли қиссасида

<sup>7</sup> Куронов Д., Мамажонов З., М.Шералиева. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2013. – 233 б

<sup>8</sup> Жирмунский В.М. Историческая поэтика А.Н.Веселовского. – Веселовский А.Н. Историческая поэтика. Горский И.К. Александр Веселовский и современность. – Москва: 1975. – С 9-10.

<sup>9</sup> Завкиддин С. Тоғай Мурод насрида образлар поэтикаси. – Тошкент: Муҳаррир. 2020. – 15 б.

ҳам кўради. Конфликтга кирган колхоз раиси билан райком секретари образларининг яхши очилмай қолиши натижасида бу образлар тўлақонли бўлмаганлигини таъкидлайди <sup>10</sup>.

Адабиётшунос олим И.Ёқубов мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикасини таҳлил қилар экан, ўттизга яқин ёзувчининг асарларидаги камчилик ва нуқсонларга тўхталади. Жумладан, Нурали Қобул романлари поэтикасида қуйидаги камчилик ва нуқсонларни кузатади: “ – *характерлар руҳий оламини уларнинг жонли нутқи орқали очишга эриша олмаслик. Образлар нутқини индивидуаллаштиришда макон-замон аниқлигига етарли эътибор бермаслик*” <sup>11</sup>.

Кўринадики, биргина образ тасвирининг меъёрга етмагани асар қийматини тушириши мумкин. Албатта, ҳар бир ёзувчининг асари юзасидан ҳар хил фикрлар айтилиши табиий ҳол. Нурали Қобулнинг ижодида ҳам бадиияти юксак асарлар мавжуд. У ўзбек адабиёти учун янгилик бўлган роман-монолог, роман-памфлет ёзди. Адабиётда ижодий тажрибалар ўтказди. Миллий ва жаҳон адабиётида воқеа сифатида эътироф этилаётган кўп жилдли “Темурийлар” эпопеясини ёзди. Нурали Қобул ижодий потенциали юқори бўлган ёзувчи ҳисобланади.

Таниқли мунаққид Б.И.Саримсоқов ҳам бадиийлик хусусида сўз юритиб, унда: “Бадиийлик – санъатнинг, жумладан, сўз санъатининг асосий, доимий хусусияти. Жуда қадим замонлардан буён ҳозирга қадар кўпаб олимлар бадиийликни хилма-хил талқинлар, таъриф-у тавсифлар этиб келишади. Аммо бирор бир олим бадиийлик ҳақидаги менинг талқиним тўғри, деб даъво қила олмайди. Чунки, санъатнинг қони ва жони бўлмиш бу ҳодисанинг сир-синоатлари беадад бўлиб, у ҳар бир давр адабиётида, унинг турлича йўналиш ва оқимларида, ҳар бир миллий адабиёт ва унинг айрича олинган намоёнлигида ўзига хос тарзда, ўзига хос миқёс ва даражада намоён бўлади”, деган фикр билдиради <sup>12</sup>.

Умуман олганда, поэтика тушунчасининг қамрови жуда кенг. Ўзига хос тамойиллар негизида ҳосил бўладиган тизимни ижодкор дунёқараши назорат қилади ҳамда мувофиқлаштириб туради. Чунки адабий талқинда “долзарб мавзу ҳам, турмуш материали ҳам, романдаги табиат тасвири ҳам, ижобий қаҳрамонлардаги ўз касб-корига доир чуқур билим баёни ҳам — агар етук характерлар, даврнинг бадиий типлари даражасида кўтарилмас экан, асарнинг умрбоқийлигини таъминлай олмайди. Даврга ҳамнафаслик ёзувчидан ўз замонасининг ижтимоий ҳаётдаги етакчи тарихий воқеаларни ва янги ижтимоий-ахлоқий эҳтиёжларини етук характерларда умумлаштириб, типиклаштириб, индивидуаллаштириб беришни талаб қилади” <sup>13</sup>. Кўринадики, поэтик ижод моҳияти муайян маънода, матн ғоявий-эстетик яхлитлигига бориб тақалади. Жанр, шакл ва маъно уйғунлиги характер адабий такомилида муайян эстетик қадрият мақомига эришади.

<sup>10</sup> Тўхтабоев Х. Прозамизнинг ёрқин уфқлари // Шарқ юлдузи. –Т.: 1984. № 5. – Б 197.

<sup>11</sup> Ёқубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. – Т.: Nurafshon business, 2021. – 276 б.

<sup>12</sup> Саримсоқов Б.И. Бадиийлик асослари ва мезонлари. Т.: Фан, 2004. 3-бет.

<sup>13</sup> Тўраев Д. Ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси. – Т.: Университет, 2001. 28-бет

Биринчи бобнинг “Адабиётшуносликда Нурали Қобул ижоди талқинлари” номли иккинчи фаслида адиб фаолияти ва ижодига бўлган муносабат ҳақида сўз боради.

Н. Қобул дастлабки ҳикоя ва қиссалари биланоқ адабий жамоатчилик эътиборига тушди. Ёзувчига катта шуҳрат келтирган, доврўғини кўшни республика китобхонларига ҳам танитган “Тубсиз осмон” қиссасини ёзганида ўттиз ёшда эди. Асар адабий жараёнда жиддий воқеа сифатида эътироф этилди. Қиссага машҳур мунаққидлар, таниқли адабиётшунос олимлар томонидан ижобий тақризлар берилди. Ҳақиқатдан ҳам, ёш ёзувчи жуда эрта адабий жамоатчилик эътиборига тушди. Дастлабки ҳикоя ва қиссаларини ўқиган атоқли ёзувчи Саид Аҳмад “*Нурали бир нечта ҳикоя ва қиссалар китобини нашр этди. Адабий танқидчилик бу китоблар тўғрисида илиқ-иссиқ гаплар айтмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, унинг кичик жанрдаги асарлари ўзига хос янгилик бўлди*”<sup>14</sup>, деб ўз фикрини билдиради. Шу ишонч туфайли Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Худойберди Тўхтабоевлар Нурали Қобулнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиши учун тавсиянома беришади.

Шунингдек, мазкур тадқиқотда Нурали Қобул ижодида алоҳида аҳамиятга эга “Унутилган соҳиллар” роман-монологига ҳам тўхталиб ўтилган<sup>15</sup>. Бу асар ёзувчига катта шон-шуҳрат келтирди, яхши асар сифатида адабий жамоатчилик эътиборини тортди. Роман-монолог ёзувчининг ҳаётий кузатишлари, кўрган-кечирганлари ҳамда билган-эшитганлари асосида ёзилган. Бу роман ўқувчилар кўникиб қолган одатдаги романлардан эмас, балки мутлақо бошқача, ўзбек насридаги янги йўналиш – роман-монолог тарзида ёзилган. Асарнинг роман-монолог тарзида ёзилиши ўзбек адабиётида жуда кам учрайдиган ҳодисадир.

Нурали Қобулнинг миллий ва жаҳон адабиётида воқеа сифатида эътироф этилаётган, юз эллик йиллик темурийлар салтанати ва Буюк Темур, Турон юртининг X – XV асрлар тарихига бағишланган романларидан иборат “Темурийлар” эпопеяси ўн етти китобининг электрон варианты инглиз ва ўзбек тилларида ўқишга тайёрланди. “Темурийлар” эпопеясининг биринчи китоби “Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич” романи жаҳон “Амазон” интернет тармоғи орқали инглиз тилида ўқувчиларга ҳавола этилди.

Ижодкор ўттиздан ошиқ ҳикояси, ўн икки қиссаси, эссеси, шеърлари, таржималари, публицистикаси, очерклари, роман-монологи, етти китобдан иборат роман-памфлети, “Темурийлар” эпопеяси туркумидаги романлари билан адабиётимиз ривожига салмоқли улушини кўшди. Таржимон сифатида Г.Маркеснинг “Танҳоликнинг юз йили” романи (А.Жўрабоев билан ҳамкорликда), Ч.Айтматовнинг “Болалигим” қиссасини она тилимизга ўғирди.

Нурали Қобул ҳар бири алоҳида ўрганишга арзийдиган асарлар ёзди. Адиб асарлари рус, қирғиз, тожик, қорақалпоқ, турк, инглиз, украин, испан, болгар ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинган. Собиқ иттифоқнинг

<sup>14</sup> Қобул Н. Кечиккан турналар. – Тошкент: Tafakkur. 2016. – 227 б.

<sup>15</sup> Қобул Н. Унутилган соҳиллар. – Тошкент: Ёш гвардия. 1988. – 255 б.

М.Горький, Б.Полевой мукофотлари лауреати; Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти лауреати; Халқаро Чингиз Айтматов академиясининг академиги.

Албатта, мазкур тадқиқот ишида адиб асарларининг ҳаммасига тўхталиш, фикр юритиш мақсад қилиб олинмаган. Бу асарларнинг ҳар бири бир олам. Тадқиқотимиз мавзуси доирасида мазкур фаслда ёзувчининг сермахсул ижодига умумий бир назар солдик, холос. Тадқиқот объекти сифатида олинган айрим асарларига эса мавзу доирасида кейинги бобларда тўхталиб ўтишни мақсад қилдик.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Нурали Қобул ҳикояларининг бадий-эстетик хусусиятлари”** деб номланиб, **“Ёзувчи ҳикояларидаги образларнинг бадий талқини”** номли биринчи фаслида адибнинг баъзи ҳикоялари таҳлилга тортилди.

Нурали Қобулнинг ҳикоялари ҳаётини воқеалар тасвири ва кўрсатилаётган зиддиятлари билан ҳам ажралиб туради. Ёзувчи ўзи қаламга олган кичик бир воқеа тасвири орқали муҳим аҳамиятга эга бўлган ўз фикрни айтмоқчи бўлади. Ҳикояларида ҳаётда учрайдиган айрим нуқсонларни кескин қоралайди. Адибнинг шундай кичик жанрдаги асарларидан бири – “Бемор” ҳикоясидир. Асарнинг қаҳрамони Саидмурод ака ҳалол, меҳнаткаш инсон. Унинг хотини хаста, даволанишга муҳтож. Кундан кун аҳволи оғирлашмоқда. Раҳбарлар эса Саидмурод аканинг оилавий аҳволини тушунишни хоҳламайди. Саидмурод ака хотинини даволатишда айрим раҳбарлар, врачларнинг расмиятчилиги ва таъмагирчилигига дуч келади. У шу тўсиқларни ҳал қилганида эса вақт ўтган эди. Қанча даволатмасин энди унинг хотини тузалмайди. “Бемор” ҳикоясида инсон кадр-қимматидан кўра расмиятчиликни юқори билган раҳбарлар, уларга қаршилик қилолмайдиган мўмин-қобил одамлар характерига хос камчиликлар баён этилган.

“Бемор” ҳикояси дастлаб газетада “Беморлар” деган номда чоп этилган. Ўқувчи дастлаб, Саидмурод аканинг хотинини бемор деб билади. Ҳикоя якунида эса уни тушунмаган атрофидагилар ҳам бемордек тасаввур уйғотади. У яшаган муҳит ҳам бемор эди. Адиб айрим раҳбарлар ва ўз касбини суиистеъмол қилган врачларнинг қалбини ҳам даволаш керак, деган ғояни илгари суради. Ёзувчи ҳаётимизда учраб турадиган бу воқеани тасвирлаш орқали бюрократлик, таъмагирлик ва таниш-билишчилик қандай оқибатларга олиб келишини кўрсатади.

“Ҳужжат” ҳикоясида ҳам ёзувчи баъзи кишилар психологиясидаги лоқайдлик, расмиятчилик каби иллатларни фош этади. Ҳикоя қаҳрамони Абдурахмон ота иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. У фронтдан ярадор бўлиб келган. Лекин, унинг фронтда қатнашганлигини исботловчи биронта ҳужжат сақланиб қолмаган. Абдурахмон ота кексайиб пенсияга муҳтож бўлиб қолгунича бунга эътибор ҳам бермайди. Отани тегишли ташкилотлардан бундай ҳужжат олингунча бўлган оворагарчилик, эътиборсизлик қийнайди. Буларнинг ҳаммаси айрим одамлар психологиясидаги лоқайдлик туфайли келиб чиққан. Ёзувчи ана шу оддий воқеалар мисолида ўқувчи қалбида кундалик ҳаётимизда кўп учрайдиган

бундай лоқайдлик, эътиборсизлик, расмиятчилик каби иллатларга нисбатан нафрат уйғотади.

Нурали Қобулнинг бадий ижодига хос энг муҳим хусусиятлардан яна бири – дунёга бола нигоҳи билан назар ташлашдир. Адибнинг ўттиздан ортиқ ҳикояларидан ўнтаси бола тилидан ҳикоя қилинади. Бу ҳикояларда воқеалар баёни биринчи шахс, яъни “мен” тилидан олиб борилади. Асарлардаги ҳикоячи – бўлаётган воқеаларнинг иштирокчиси, уларнинг шоҳиди ёки улардан хабардор болакай. Воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар руҳияти ёзувчи томонидан эмас, балки бошқа шахс – ҳикоячи тилидан олиб борилган. Бу эса ёзувчига қаҳрамонларни ҳамда воқеа - ҳодисаларни ҳам турли нуқтаи назардан очишга имкон берган. Ёзувчи ўзини тасвирлаётган шахс ўрнига қўя олсагина, ўша шахс қиёфасига кира билсагина, характер жонланади.

Муаллиф воқеа баёнини ўқувчига етказиш учун шу усулни қўллаган. Бу усул ёзувчига ҳикоянависнинг ички кечинмаларини ифодалашга кўпроқ имкон берса, боланинг идроки етмайдиган баъзи жойларини ёзишда қийинчилик туғдиради. Ёзувчи бола тилидан ҳикоя қилар экан, унинг руҳиятига ва тилига мослашиши керак. Бундай ҳолатда муаллиф тилида боланинг ёш хусусияти, тажрибасизлиги, ўйинқароқлиги, хуллас, унинг бутун табиати кўзга ташланади. Асар воқеаларининг биринчи шахс тилидан баён қилиниши ҳикоячи қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини, қалб кечинмаларини очишда қўл келган. Бунга мисол учун “Дунётепаннинг деви”, “Сариқ қизлар”, “Оқ каптарлар”, “Дўстмурод бобо”, “Савоб”, “Эна”, “Энам, мен ва бедана”, “Одамлар”, “Озор”, “Елкадаги юк” ҳикояларини келтириши мумкин.

Шунингдек, ёзувчининг ўн икки қиссасидан уч қиссаси (“Сангзор”, “Янги қор ёққан кун”, “Тубсиз осмон”) бола тилидан ҳикоя қилинади. “Яшаш учун кечикма” ва “Буғдой пишиғига етмаганлар” қиссаларида ҳикоячи асар персонажларидан бири, асар воқеаларининг иштирокчисидир.

Ижодкорнинг такомиллашувиغا бир мунча омиллар сабаб бўлади. Рус поэзиясининг қуёши А.С.Пушкиннинг тақдирида энагаси Арина Радионовнанинг ўрни, ўзбек шоири Ҳ.Олимжоннинг ижодида онаси Комила аянинг ўрни қанчалик аҳамиятли бўлса, Нурали Қобул шахсиятининг шаклланишида ҳам энаси Шаҳзода Иброҳим Султон қизининг хизмати беқиёсдир. Ёзувчи суҳбатларида, ёзган битикларида, ҳикоя ва қиссаларида энаси Шаҳзода Иброҳим Султон қизини эҳтиром билан эслайди. “*Вужудимда заррача эзгулик туйғуси бўлса бу ўша – энамдан ўтган*”<sup>16</sup>, дейди адиб. Балки, шу сабаблидир, тўққиз ҳикоясида (“Дунётепаннинг деви”, “Сариқ қизлар”, “Савоб”, “Эна”, “Энам, мен ва бедана”, “Озор”, “Оқ каптарлар”, “Умр соҳиллари”, “Кечиккан турналар”) энаси Шаҳзода момо сиймосини тасвирлайди. “Янги қор ёққан кун”, “Сангзор” қиссалари она ва бола мулоқоти асосига қурилган. “Тубсиз осмон” (“*Сенинг болалик осмонинг*”) қиссасини эса ёзувчи энасининг хотирасига бағишлайди. Булардан ташқари яна бир қанча асарларида ёзувчи энаси билан боғлиқ гаплар, қисқа воқеаларни ҳам айтиб ўтади (“*Яшашга кечикма*”, “*Қулон*

<sup>16</sup> Қобул Н. Ватандин яхши ёр ўлмас // Саодат. – 1991. – № 3. – Б. 12.



қудуққа қуласа”...). Бу ҳикоя ва қиссаларида Эна образи ёзувчининг ўз фикрларини баён этишида қўл келади. Мазкур асарларининг деярли барчасида Эна образи айнан бир характер сифатида тасвирланган. Адиб ҳар бир асарида унинг характеридаги янги қирраларни очишга аҳамият беради. Эна образини донишманд, меҳрибон, камтарин, ҳақиқатпарвар она сифатида тасвирлашига қарамай, муаллиф ҳар бир асарида унинг яна бир ўзига хос характерини очиб беради.

Муаллифнинг болалик йилларида бошидан кечирган воқеалар кейинчалик яратган бир қатор ҳикоя ва қиссаларида қайсидир даражада ўз аксини топган. Бу туркумдаги асарларнинг баъзиларида (“Дунётепанинг деви”, “Савоб”, “Озор”, “Одамлар”, “Эна”, “Елкадаги юк”, “Оқ каптарлар”, “Умр соҳиллари”, “Кечиккан турналар”) болакайнинг исми очикланмаган бўлса, яна баъзиларида эса турли исмлар (“Сариқ қизлар”, “Энам, мен ва бедана” ҳикояларида Дониёр, “Дўстмурод бобо”да Раҳмонберди, “Янги қор ёққан кун”да Донавой, “Сангзор”да Бозорвой, “Тубсиз осмон”да Норбўта) билан номланган. Мазкур асарларнинг аксарияти автобиографик хусусиятга эга бўлиб, муаллифнинг бадиий тўқимаси билан бойитилган.

Тадқиқот ишида “Дунётепанинг деви”, “Сариқ қизлар”, “Оқ каптарлар”, “Дўстмурод бобо”, “Савоб”, “Эна”, “Энам, мен ва бедана”, “Одамлар”, “Озор”, “Елкадаги юк” ҳикояларидаги; “Сангзор”, “Янги қор ёққан кун”, “Тубсиз осмон” қиссаларидаги эна ва бола образи қиёсан таҳлил қилинди.

Мазкур бобнинг иккинчи фаслида **“Ёзувчининг ҳикоянавислик маҳоратига хос тамойиллар”** адибнинг “Азоб”, “Сариқ қизлар”, “Дунётепанинг деви” ҳикоялари мисолида тадқиқ этилди.

Нурали Қобул ижодида ҳикоялари алоҳида ўрин тутди. Ёзувчи ижодини кузатганда, асосан, ўтган асрнинг етмишинчи-саксонинчи йилларида ҳикоя жанрида баракали ижод қилганини кўриш мумкин. Ижодидаги энг сара ҳикояларининг аксарияти ўша даврда яратилган. Кейинчалик эса қисса жанрида қалам тебратди. Сўнгги даврда эса насримизнинг янада катта жанри бўлган романчиликда салмоқли асарлар ёзди.

Ёзувчининг ҳикоянавислик маҳоратига хос тамойиллар ҳақида сўз юритиш жараёнида “Азоб”<sup>17</sup> ҳикоясига атрофлича тўхталиб, унда ёзувчининг услуби ва маҳорати масаласи, асарлари бадиий хусусиятлари, бадиий сўздаги маъно товланишлари, ҳиссий-эмоционал талқин билан боғлиқ кузатишлар баён этилди. Шу жараёнда “Азоб” ҳикояси матний-семантик таҳлил қилинди. Образ ва характер унсурларига изоҳ берилди.

Нурали Қобулнинг “Сариқ қизлар”, “Дунётепанинг деви” ҳикоялари мавзуси классик адиб Абдулла Қодирийнинг “Жинлар базми” ҳикоясига яқиндир. Тадқиқот жараёнида улар ўзаро солиштириб, қиёсан таҳлил этилди. Бу ҳолатда бадиий асар воқелиги билан реал воқелик муносабатлари давр контекстида ўрганишга қаратилди. Турли даврларда яратилган бу асарлар мазмунини тушуниш жараёнида қиёсий методдан фойдаланилди.

<sup>17</sup> Қобул Н. Маймунлар мамлақати ёхуд ёввойилар орасида. – Тошкент: IJOD-PRESS. 2017. – 59 - 67 б.

Диссертацион ишнинг учинчи бобида “**Нурали Қобул қиссаларида бадий маҳорат масаласи**” тадқиқ этилган. Мазкур бобнинг “**Ёзувчи қиссаларининг мавзу кўлами ва образлар тизими**” деб номланган биринчи фаслида адиб ижодида автобиографиясининг акс этиши ҳамда ижодида сайёр образларнинг қатнашиши таҳлил этилган.

Нурали Қобулнинг ижодини кузатган, мунтазам ўқиб борган китобхон ўхшаш ва турфа тақдирларга дуч келади. Бу асарларнинг кўпи автобиографик хусусиятга эга бўлгани учун ёзувчи умри давомида учратган, билган ёки эшитган воқеа-ҳодисаларни ўрни билан ўз асарига киритади. Адиб асарлари биографик материал (ёзувчи ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ деталлар, ҳужжатлар, у яшаган муҳит ва шу муҳит кишилари билан ўзаро алоқалари ҳақидаги маълумотлар, хотиралар ва б.)га бойлиги билан ажралиб туради. Ёзуви асарларини ўқир экансиз, воқеа-ҳодисалар, асар иштирокчилари таниш туюлади. Олдинги асардаги образни яна учратасиз, гўё бу қаҳрамонлар бир-бирини тўлдириб боради.

Ёзувчи ижоди ўрганилганда у яшаган давр, ўша давр билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий зиддиятлар, ижодкор яшаган муҳитдан келиб баҳо берилиши керак. Ҳар қандай ёзувчи ижодида уни ўраб турган олам муҳим ўрин тутади. Ёзувчи асалари ўрганилганда фақат асарининг ўзигина эмас, балки у яшаган муҳит, яшаш шароити, кундалик ҳаёти, ички дунёсига ҳам аҳамият бериш лозим. Ёзувчидаги ўзгарувчан хусусият қаҳрамонлари характерида акс этади. *“Ёзувчи психобиографияси қайсидир маънода унинг бадий асарларидаги воқеа-ҳодисалар баёни, яратган образлари тизимида ўз ифодасини топади. Бундай индивидуаллик санъат асарининг оригиналлигини, ўзига хос хусусиятларни намоён қилади. Ёзувчи ҳаётидаги ўзгаришлар, бесаранжомлик, безовталиқ, руҳий-ҳиссий кечинмалар, тўлқинланиши ва оғриқли дардлар, муаллақ ёки собит дунёқараш фонида унинг бадий асарларини талқин этиши ўзининг ижобий самараларини бериши табиий”*<sup>18</sup>.

Албатта, ўзбек адабиётида ҳам автобиографик характердаги асарлар мавжуд. С.Айнийнинг “Эски мактаб”, Ғ.Ғуломнинг “Шум бола”, Ойбекнинг “Болалиқ”, Н.Сафаровнинг “Кўрган кечирганларим”, А.Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар”, П.Турсуннинг “Ҳақ йўл”, “Ўқитувчининг йўли” ва бошқа айрим асарларда ҳам ёзувчи ҳаётига тааллуқли факторлар кўплаб учрайди. Бу тахлит асарларга ёзувчи ўзи билган воқеа ва қаҳрамонни образ сифатида жонлантирган.

